



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 11 СОН

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 11

# LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 11



ТОШКЕНТ-2020

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Зияева Доно Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети, Қозоғистон

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Гоффоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Самарқанд давлат тиббиёт институти

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
профессор, Телави давлат  
университети, Грузия

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Россия ФА, Санкт-Петербург  
Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон  
Миллий университети, Қозоғистон

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон миллий университети

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Талапов Бахриддин Алижанович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Наманган давлат университети

**Одилов Абдор Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


<b>1. Фирюза Мухитдинова</b> ЯНГИ УЙГОНИШ ДАВРИ: ДАВЛАТ ТИЛИНИНГ ЯНГИЛАНГАН НУФУЗИ ВА МАҚОМИ.....	4
<b>2. Дилшод Комолов</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУД ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ.....	10
<b>3. Отабек Алимардонов</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЛАЙЗИЯ БИЛАН ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ АЛОҚАЛАРИ.....	17
<b>4. Abdixalik Abdulkarimov</b> QORAQOLPOG'ISTON QISHLOQ XO'JALIGI 1960-1980 YILLARDA: ODAMLAR, VOQEALAR, UMIDLAR.....	26
<b>5. Зафарбек Абдуллаев</b> ТУРКИСТОНДА ҲОКИМИЯТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ: ЗИДДИЯТ ВА ЕЧИМЛАР.....	33
<b>6. Санжар Ахмедов</b> АБДУРАЗЗОҚ САМАРҚАНДИЙНИНГ “МАТЛАИ САЪДАЙН ВА МАЖМАИ БАҲРАЙН” АСАРИДА ТЕМУРИЙЛАРНИНГ МАДАНИЯТГА МУНОСАБАТИ ТАВСИФИ.....	39
<b>7. Лайло Бегимкулова</b> АМИР ТЕМУР ВАФОТИНИНГ ДАСТЛАБКИ КУНЛАРДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ШАЙХ НУРИДДИН ВА ШОҲМАЛИКЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.....	47
<b>8. Гулшод Авалова</b> ТИЛ – ХАЛҚ ТАРИХИНИ БИЛИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА.....	55
<b>9. Гулчехра Рахимова</b> БУҲОРО ВИЛОЯТИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРДАГИ ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИ.....	60
<b>10. Иродахон Тишабаева</b> ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ (1960-1990 йиллар).....	70
<b>11. Феруза Файзиева</b> РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ МУСТАМЛАҚАЧИЛИК ШАРОИТИДА БУҲОРО АМИРЛИГИДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ МАСАЛАЛАРИ.....	78
<b>12. Равшан Хомитов</b> ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ДАВЛАТ СИЁСАТИ (1991 - 2020 йй.).....	83

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Авалова Гулшод Мурадиллаевна  
Тошкент молия институти “Ижтимоий фанлар”  
кафедраси катта ўқитувчиси

## ТИЛ – ХАЛҚ ТАРИХИНИ БИЛИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

**For citation:** Avalova Gulshod Muradillaevna. LANGUAGE AS A MEANS OF LEARNING THE HISTORY OF THE PEOPLE. Look to the past. 2020, vol. 11, issue 3, pp.55-59

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-11-8>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада тил тарихи халқ тарихи билан чамбарчас боғланганлиги, тил эса халқ тарихини билиш воситаси эканлиги фалсафа, маданиятшунослик, тилшунослик ва тарих методологияси жиҳатидан умумлаштирилиб, очиб берилади. Фан методологиясида тарих фанидаги лингвистик бурилиш тарихни адабиётнинг ўзига хос соҳасидир, деган ғояни илгари сурганини, натижада тилнинг ҳамма даврларда тарих билан узвий боғланиб тараққий этганлиги хусусида фикр-мулоҳазалар баён этилади. Мақола ёзишда турли соҳа мутахассисларининг бу борадаги фикрларига таяниб, хулоса чиқарилади.

**Таянч иборалар:** тил, тарих, лингвистик бурилиш, халқ тарихи, маданият, луғат.

Авалова Гулшод Мурадиллаевна  
Старший преподаватель кафедры «Общественных наук» Ташкентского финансового института

## ЯЗЫК КАК СРЕДСТВО ПОЗНАНИЯ ИСТОРИИ НАРОДА

### АННОТАЦИЯ

В статье раскрывается и обобщается с аспекта философии, культурологи, языкознания и исторической методологии то, что история языка тесно связана с историей народа, а язык является средством познания истории народа. В методологии науки лингвистический поворот в исторической науке выдвигает идею о том, что история является особой сферой литературы, в результате чего излагаются мысли о том, что язык во все времена развивался в тесной связи с историей. При написании статьи сделаны выводы, опираясь на мнения специалистов различных отраслей по этому поводу.

**Ключевые слова:** язык, история, лингвистический поворот, история народа, культура, словарь.

Avalova Gulshod Muradillaevna  
Senior lecturer, Department of Social Sciences,  
Tashkent financial Institute

## LANGUAGE AS A MEANS OF LEARNING THE HISTORY OF THE PEOPLE

## ABSTRACT

The article reveals and summarizes from the aspect of philosophy, cultural studies, linguistics and historical methodology that the history of language is closely connected with the history of the people, and language is a means of learning the history of the people. In the methodology of science, the linguistic turn in historical science puts forward the idea that history is a special field of literature, resulting in the idea that language has always developed in close connection with history. When writing the article, conclusions are drawn based on the opinions of specialists in various industries on this issue

**Key words:** language, history, linguistic turn, history of the people, culture, dictionary.

Тил тарихи халқ тарихидан ажратиб бўлмайти. Тарихий маълумотларни тиклашда тиллар ажралмас ҳисобланади ва халқнинг тарихий ва маданий ўтмиши, айниқса ёзувга эга бўлган вақтидан олдинги даврини тиклашга хизмат қилади. Тилшунослар тилни халқнинг тарихий ўтмишини билишда ниҳоятда қимматли манба деб билишади. Я.Гриммнинг таъкидлаганидек, тил суяклар, қурол-яроғлар, қабрларга қараганда, халқнинг ўтмиш ҳаёти ҳақидаги янада жонли далил ҳисобланади [4]. Халқ тарихидаги бир қатор муаммолар тил фактларини тадқиқ қилишга жалб қилинмаганда, етарлича тўла ва ишончли ечимни топиши мумкин эмас. Бундай муаммолар сирасига халқнинг этногенези, этник тарихи, этник башорат масалалари киради.

Этногенез муаммосини тадқиқ қилиш билан турли соҳа олимлари шуғулланишмоқда: тарихчилар, археологлар, антропологлар, этнологлар, фольклорчилар, шу жумладан, тилшунослар: "... этногенетик масалаларни ҳал қилишда бир томондан, лингвистларнинг, иккинчи томондан эса, тарихчилар, археологлар, антропологлар ва этнографларнинг энг яқин ҳамкорлиги ва боғланиши зарур" [5]. Этнография, этномаданият, миграцион жараёнлар натижасида пайдо бўлган этноалоқалар, халқнинг ижтимоий тузилмаси, унинг моддий ва маънавий маданияти – буларнинг барчаси тилда ўз аксини топади.

Тарихий фандаги лингвистик бурилишнинг рамзи тарихни адабиётнинг ўзига хос соҳаси деб тушунилиши ва шунга мувофиқ равишда тарихни баён қилиш ёки тарихий тавсифлаш (тарихий тадқиқот эмас) каби тарихни ёзиш усулини шакллантириш бўлди. Тарихни тавсифлашда тарихчининг тасаввурлари далиллардан олинган фактлар билан ўйнаб, матнни яратиш давомида уларни янги маънолар билан тўлдиради. Америкалик файласуф Хайден Уайтнинг ҳисоблаганидек, "тарихнинг юки" тарихчига табиатшуносликнинг зўравонлиги билан ҳам, 20-аср адабий асарининг ҳаёлий имкониятлари билан ҳам мос келиш зарурлигини юклайди. Уайт тарихий фактлар ҳамма вақт ҳам "кашф этилмай", балки шу билан бирга тарихчининг берган саволлари бўйича "тузилади", метафоралар эса тарихий асардаги релевантликни белгилашини ва селективликни асослашини тан олишни талаб қилади. Уайт бўйича, "реалликни" нарратив баён қилишни ҳар доим чуқур таркибий мазмуннинг аллегорик ифодаси – ишора тизимлари ва онтологик позициялар билан намоён қилиш мумкин [6].

Фан сифатидаги тарихжа лингвистик бурилишнинг моҳияти "тажриба билан мажбурлаш" (эмпиризм) ва "тил билан мажбурлаш" (лингвистика) даражаларининг мувофиқ келишини ўрнатишдан иборатдир.

Тарихий тадқиқот ва нарративни бирлаштиришни таклиф қилган лингвистик бурилиш тарихчига шуни кўрсатадики, тилда (концепцияларда, луғатларда, метафораларда) ҳар хил маъноларни аниқлаш мумкинлигини ҳамда бизга ўтмишни тушунишни чуқурлаштиришга ёрдам берувчи ҳақиқатларга яқинлашиш мумкинлигини кўрсатади [7].

Фанлараро боғланишга, синтезга, мулоқотга интилувчи фалсафий-методологик рефлексия динамикасининг умумий тенденциялари "Анналар" эволюциясида ўз аксини топади. "Анналар" эволюциясидаги барча учта бурилиш: "тарихий" – "прагматик" – "лингвистик" ижтимоий-гуманитар фанларнинг методологик дискурс динамикасини яққол

ва аниқ чангаллаб олиб, ўзида жамлаб олади ҳамда холислик, яхлитлик, ошкоралик, толерантлик, мулоқот, синтез, тушуниш ва ўзаро бойитиш идеалларини хазинасига киритиш билан боғлиқ бўлган глобал фалсафий-методологик рефлексиянинг янги турини шакллантиради.

Лингвистик бурилиш, тарих фанининг антропологиязацияси, фанлараро ёндашувларнинг қурилиши бугунги кунда тарихий-методологик рефлексиянинг (акс эттиришнинг) юзини белгилаб беради. Ўз ҳикояларига бўлган эҳтиёж, ўз тақдирини ўзи белгилаш жараёни, тарихдан яширинган мавзуларни ва одамларни кашф этиш, кичкина одамга бўлган қизиқиш тарихий тадқиқотларнинг янги усуллари ва ёндашувларини шаклланишига олиб келди.

Тарих фанида кундалик ҳаёт тарихи, гендер тарихи, оғзаки, демографик, экологик тарих, тарихни универсализация қилинишига қарши бўлган, тархий тараққиёт ғоялари ва тарқоқ дискурсга эътибор, дунёнинг сабаб-оқибат муносабатларидан маҳрум бўлган ва қадриятли йўналишлардан холи бўлган бетартиблик сифатида ўзига хос кўриниши постмодернистик сезгирлик таърифини олган марказлашмаган, иерархик тартибсиз дунёга эга бўлган тарихнинг постмодерн версияси пайдо бўлди. Шу нуқтаи назардан қараб чиққанда, тарих классик концепцияларга хос бўлган телеологик хусусиятини йўқотади, ва қадимги замонлардан бери инсоният билан бирга келган тарихий тараққиёт ғояси (ибтидоийлик – феодализм – капитализм – социализм – коммунизм) архаик бўлиб қолади [8].

Тарихий фаннинг методологик бурилиши у маданий антропология, социология, демография, психология, математика, информатика, лингвистика, адабиётшунослик усуллари ўзлаштириб олганлиги билан шартланади, ва лингвистик бурилиш ва антропологиязация (“инсонни тарихда” ўрганиш) билан бир қаторда, ҳозирги фалсафа ва фан методологиясида умумий тенденция ҳисобланади ҳамда фалсафанинг фанлараро боғланганлигини, янги субфанларнинг пайдо бўлишини, фанлараро объектларни тузиш ва яратиш даражасидаги интеграцияни таъминлайди.

Тил ўз халқининг тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Биринчидан, тил бизга ўша тарихий ўзгаришлар, мамлакат бошдан кечирган воқеа ва ҳодисалар ҳақида, тарихи давомида эришган тараққиёт ҳақида айтиб беради. Айнан шу алоқа ва мулоқот воситаси маълум бир халқнинг ривожланишини акс эттиради, унда содир бўлган ўзгаришларни билиб, биз мамлакат тарихий мероси билан танишамиз.

Ҳар бир тилнинг хусусиятлари маълум бир халқ бошдан кечирган менталитет ва тарихга боғлиқ. Бу ерда тилнинг халқ маданияти билан алоқаси кузатилади, чунки айнан у маълум бир мамлакат эгаси бўлган маданий меросни кўрсатиши мумкин.

Шунинг учун ҳам ўз тилингизга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш кераклигини англаш керак, уни қадрлаш ва ҳимоя қилиш керак. Ахир у маънавий ва маданий меросни ўз ичига олади ва уни бузиб кўрсатсак ёки қашшоқлаштирадиз, ота-боболаримиз ва ўзизимизни хор қилган бўламиз. Бундан ташқари, нутқ маданияти ҳақида ҳам тез-тез ўйлаб туриш арзийди, чунки бу ўзимизни ишончли ва билимли ҳис қилишимиз учун жуда муҳимдир.

Халқнинг тили – бу унинг менталитети ва маданиятининг энг тўғри аксидир. Бундан ташқари, тил тарихий ўзгарувчан ҳодиса сифатида тан олинади. Унинг халқ тарихи билан алоқаси аниқ, шунинг учун унинг тарихини ўрганиш учун кзпинча халқ тили ишлатилади.

Ўзбек тили кўп асрлар давомида шаклланган. Унинг луғати ва грамматик тузилиши ҳам ўтган даврлар ичида мукамаллашиб борган. Аста-секин луғат ўз ичига янги лексик бирликларни киритган. Ушбу янги лексик бирликларнинг пайдо бўлиши ижтимоий тараққиётнинг янги эҳтиёжлари билан белгиланади. Грамматик тузилиш аста-секин миллий ижтимоий ва илмий тафаккур тараққиётидан сўнг фикрни аниқроқ ва нозик узатишга мослаштирилди. Шундай қилиб, маданий ривожланиш эҳтиёжлари тилнинг ривожланиш механизмига айланди ва тил миллатнинг маданий ҳаёти тарихини, шу жумладан аллақачон ўтмишга ўтган босқичларини акс эттирди ва сақлаб қолди.

Шу туфайли тил халқ учун энг ўзига хос тарихий ва маданий қадрият бўлган миллий ўзига хосликни сақлаш воситасидир. В.Гумбольдт ёзганидек, тил қандай шаклга эга

бўлишидан қатъи назар, ҳар доим миллатнинг индивидуал ҳаётининг маънавий мужассамидир ва бундан ташқари, тил – бу миллатнинг нафаси, жонидир. Тил – бу ўлик соат механизми эмас, балки ўз ичидан келиб чиқадиган тирик ижоддир. Табиий тил тил ижодкорлари гуруғининг математик ҳисоб-китоби натижасида эмас, балки битта миллий бирлигига мансуб бўлган одамларнинг ўз нутқларини миллий жамоа доирасида умумтушунарли қилиш борасидаги кўп асрлик кучланишлари натижасида пайдо бўлади [3]. Демак, тил – бу нафақат белгилар тизими, балки, шунингдек, халқнинг тарихан шаклланган маданият шаклидир.

Миллатнинг асосий бирлаштирувчи белгиси айнан тил ҳисобланади. Чунки ҳеч қандай умумий ғоялар, маданий кадриятлар ва умумий иқтисодиёт мулоқотда қўлланиладиган сўз белгиларини тушунмасдан туриб мавжуд бўла олмайди. Тил миллат билан бир вақтда пайдо бўлади, унинг ижоди, миллатнинг ўзига хос тафаккур органи ҳисобланади.

Ҳар бир тил бу тилни ташувчиси бўлган халқнинг маданиятини акс эттиради. Маданий-тарихий жиҳатдан тил умуммиллий ўзига хосликнинг муҳим элементи сифатида қаралади.

Ўзбек тили – ўзбек халқи томонидан яратилган тилдир. Унинг ёрдамида ўзбек халқи ўз маданиятини қуради. Ўзбек учун у она тилидир.

Ўзбек тилининг луғати ва грамматик тузилиши асрлар давомида шаклланиб борди. Луғат аста-секин ўз ичига жамият ривожланишининг янги эҳтиёжлари талаб қилганлиги туфайли пайдо бўлган янги лексик бирликларни киритган бўлса, грамматик тузилиш миллий ижтимоий ва илмий тафаккур ривожланиши орқасидан фикрларни янада аниқроқ қилиб ифодалашга ҳаракат қилди. Шундай қилиб, маданий тараққиётнинг эҳтиёжлари тил ривожини учун туртки бўлиб қолди. Натижада тил миллатнинг маданий ҳаёти тарихини акс эттирди ва сақлаб қолди. Шу туфайли тил халқ учун миллий ўзига хосликни, менталитетни сақлаб қолишнинг бетакрор воситаси, энг йирик тарихий ва маданий кадрият ҳисобланади. “Тил, қайсики шаклга кирмаса ҳам, ҳар доим миллат индивидуал ҳаётининг маънавий ифодаси ҳисобланади”, бундан ташқари, тил – миллатнинг нафаси, жонидир [3].

Инсоннинг бутун огли ҳаёти тил орқали амалга оширилади. Шунинг учун у моҳиятан маънавий ҳаётнинг асосий усули, атрофдаги оламни ўзлаштиришнинг асосий воситаси, фикрлаш мактаби ва билим (таълим) олишнинг ягона воситасидир.

Тил ўзининг энг юқори кўринишларида маданий ёдгорлик, маънавий мерос ва халқнинг муқаддас қадамжосидир. Шу билан бирга тил – инсоннинг ва халқнинг яшаш жойи ва кўпинча қутилмаган тарзда намоён бўладиган маънавий куч шаклидир. Буларнинг барчаси таълим, маънавий-ахлоқий тарбия, социология, қонун ижодкорлиги ва бошқа соҳалар муаммоларини муҳокама қилишда ҳисобга олинмоғи керак.

Тил маънавий кадрият сифатида доимо узлуксизликка, самарали ва унумдор анъаналарга таянади, уларсиз маданиятни англаб бўлмайди.

Албатта, ҳар қандай тилнинг пайдо бўлиши ҳақидаги масала давлатда ёзувнинг пайдо бўлиши билан алоқадорликда қараб чиқилади. Чунки ёзувнинг пайдо бўлиши билан дастлабки ёзма манбалар ҳам вужудга келади.

Тил тарихий жиҳатдан ўзгариб турадиган ҳодиса сифатида тан олинган пайтдан бошлаб, унинг халқ тарихи билан алоқаси ва уни тарих мақсадлари ва уни узвий равишда ўрганиш зарурлиги бир неча бор таъкидланган. Зотан, қиёсий тарихий тилшуносликнинг дастлабки кашшофларидан бири Расмус Раск, тарихни ўрганишда халқларнинг диний эътиқодлари, урф-одатлари, жамиятнинг бошқа таркибий қисмлари муҳимлигини таъкидлаб, шундай деб ёзган эди: “Халқларнинг диний эътиқодлари, урф-одатлари, анъаналари, уларнинг қадимги даврдаги фуқаролик институтлари – улар ҳақида нималарни билган бўлсак, шуларнинг ҳаммаси бизга ушбу халқларнинг қариндошлик муносабатлари ва келиб чиқиши ҳақида фақат ишора бериши мумкин. Улар кўз олдимизда қайси кўринишда пайдо бўлса, ўша кўриниш уларнинг олдинги ҳолати ёки ҳозирги кунга қадар етиб келган йўллари ҳақида хулоса чиқаришга ёрдам бериши мумкин. Аммо, тарих бизни тарк этганида, халқларнинг келиб чиқиши ва уларнинг қариндошлик муносабатларини билиш

воситаларидан ҳеч бири биз учун тил каби муҳим эмас” [2]. Яъни, тарих бизгача қадимдан етиб келган ахборотни узатишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади.

Халқнинг тили ва тарихи бир-бири билан чамбарчас боғланган. Халқ тарихининг ўзига хос йўллари, уларнинг у ёки бу йўналишлари, улар томонидан яратилган тилларнинг ишлаш шароити – буларнинг барчаси тил тузилишига сингиб кетган янги ҳодисаларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкинки, улар аллақачон қонуний тус олмақда. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, халқ тарихи тилнинг ривожланиш тарихи қонуниятларини яратмайди, аммо унинг ривожланиши учун умумий туртки бўлиб хизмат қилади. Бироқ, халқ тарихи билвосита тилнинг тузилиши орқали, тилда маълум янги ҳодисаларни яратишга, баъзида қонуний хусусиятга эга бўлишига ҳисса қўшиши мумкин.

Тил - миллатнинг кўзгуси бўлиб, унда тарих - ўтмиш ва келажак жонланади. “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур”, - дея эътироф этади Абдулла Авлоний. Дунёда 40 та йўқолиб кетиш хавфи бўлмаган тиллар мавжуддир. Қувонарлиси шундаки бизнинг она тилимиз ҳам ушбу тиллар оиласига киради. Сабаби бизнинг тилимизда ёзма манбалар, қўлёзмалар, қадимий ва замонавий адабиётлар кўпдир.

21 октябр – Ўзбек тили куни байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригида Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бугунги кунда биз янги Ўзбекистонни, янги Ренессанс пойдеворини барпо этишдек эзгу мақсадларимизга эришишда, ҳеч шубҳасиз, она тилимизнинг ҳаётбахш қудратига таянамиз.

Чунки, неча асрлар оша аждодларимиздан бизга безавол ўтиб келаётган она тилимизнинг равнақи ва истиқболи ҳақида қайғуриш – бу миллатнинг ўзлигини англаши, унинг маънавий камолотини юксалтириш учун кураш демакдир. Давлат тилининг обрў-эътибори – бутун халқ, бутун жамиятнинг обрў-эътиборидир” [1].

Мустақилликка илк қадамлар ташланаётган даврдаёқ 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Республикаимиз Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу сана мамлакатимиз, юртдошларимиз ҳаётидаги унутилмас, тарихий воқеага айланди. Шу билан бир пайтда тилимизнинг ижтимоий мавқеини янада мустаҳкамлаш, юксалтириш учун ҳам бекиёс имконияти яратилди. Ҳар йили 21 октябр юртимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун сифатида кенг нишонланади.

Тил-миллатнинг борлигини, унинг тарихи ҳақида маълумот берувчи восита ҳамдир. Айни дамда орзу умидларимиз, истиқлолимиз, қалбимиз ойнаси ҳамдир. Шунинг учун, она тилимизга доимо ҳурмат ва эътиборда бўлиб, унинг жамиятимиздаги мавқеини юксалтиришга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарур.

### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек халқига байрам табриги. / URL: <https://president.uz/uz/lists/view/3908> (Мурожаат санаси 23.10.2020 й.)
2. Раск Р. Исследования в области древнесеверного или происхождение исландского языка. Хрестоматия по истории языкознания XIX-XX веков. - М., 1956. С. 36.
3. Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. - М., 1984. - С. 72, 274-275, 303.
4. Grimm, J. Geschichte der deutschen Sprache. Leipzig, 1880. S. 4.
5. Абаев В.И. Язык и история. Теоретические проблемы советского языкознания. - М., 1968. - С. 39.
6. Уайт Х. Ответ Иггерсу. // Одиссей. 2001. - С. 156.
7. Кукарцева М.А. Лингвистический поворот в историкоописании: эволюция, сущность и основные принципы. // Вопросы философии. 2006. № 4. - С. 44-55.
8. Яскевич Я.С. Философия и методология науки: учебник для вузов / 2-е изд., испр. и доп. - Москва: Издательство Юрайт, 2020. - 536 с.
9. Раҳмонов Р. Тил – миллат кўзгусидир. / <https://islom.uz/maqola/10944>

## ЎТМИШГА НАЗАР

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

## LOOK TO THE PAST

№11 (2020)

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000